O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# УЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК, ХАЛҚИМ!



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 29 avgust, • № 35 (3714)

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!
Ҳурматли меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни қадимий ва бетакрор Ўзбекистон заминида, ер юзининг сайқали деб ном олган Самарқанд шаҳрида тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Кўҳна тарихимиздаги не-не буюк ва унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўлмиш бу муаззам шаҳарда бошланаётган ушбу санъат анжумани миллатлар ва инсонлар қалбида азалдан яшаб келаётган эзгулик ва нафосатга интилиш туйғусини, бугунги кунда турли халқлар ва цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг нечоғлик катта эканини яққол намоён этиб турибди.

Одамзот ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат — мусиқа санъати, ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир.

Бу абадий ҳақиқатни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси она ўз фарзандига айтадиган алла оҳангларида, инсон зотининг ҳар қандай ҳолатда — ёруғ ва қувончли кунларда ҳам, бошига мусибат тушган қайғули лаҳзаларда ҳам мусиқанинг мўъжизакор кучидан мадад ва таскин топишида кўриш мумкин.

Айниқса, халқлар ва маданиятлар тобора яқинлашаётган ҳозирги глобаллашув даврида, шиддаткор тараққиёт асрида, шу билан бирга, сайёрамизнинг турли бурчакларида ёвуз кучлар ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга уринаётган бир шароитда, ер юзида ҳаётни асраш, одамларни эзгулик ва бағрикенгликка даъват этишда маданият ва санъат, хусусан, мусиқа дунёсининг таъсири беқиёс экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман.

Сиз, азизларнинг Ўзбекистон диёрига ана шундай интилишлар билан ташриф буюрганингизни биз жаҳон мусиқа жамоатчилиги томонидан халқимизнинг бебаҳо тарихий ва маънавий меросига, замонавий ўзбек мусиқа санъатига кўрсатилаётган ёрқин ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бу анжуманга нафақат ўзининг бетакрор санъатини, айни пайтда ўз она юртининг нафасини ҳам олиб келиб, ўлмас миллий қадриятларини намоён этадиган барча фестиваль қатнашчиларини, жумладан, Австрия, Арманистон ва Афғонистон, Буюк Британия ва Бангладеш, Германия ва Греция, Грузия ва Озарбойжон, Италия ва Испания, Индонезия, Исроил, Латвия ва Литва, Россия ва Руминия, Туркия ва Украина, Хитой ва Ҳиндистон, Эрон ва Эстония, Япония ва Жанубий Корея, Миср ва Саудия Арабистони санъаткорларини, ён қўшниларимиз бўлган Қирғизистон ва Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистондан келган иштирокчиларни қутлаш, барчангизга ўз номимдан, бутун ўзбек халқи номидан миннатдорлик билдириб, энг самимий тилакларимни изҳор қилиш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, Самарқанднинг мусаффо осмони, мовий гумбазлари остида ўтадиган ушбу нафосат байрами, санъатни теран тушунадиган, санъаткорни юксак қадрлайдиган халқимиз вакиллари билан бўладиган мулоқотлар, учрашув ва суҳбатлар сизларда ўчмас таассурот қолдиради, юртимиздаги беқиёс тарихий обидалар, меҳмондўст элимизнинг олижаноб фазилатлари узоқ вақт ёдингизда сақланиб қолади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг қисқа муддатда халқаро миқёсда катта обрў ва эътибор қозонишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро мусиқа кенгаши вакилларига алоҳида ташаккур билдирмоқчиман.

Сизларни анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, башарият тафаккурининг буюк хазинаси, инсоний ва маънавий камолот рамзи бўлган мусиқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятингизда янги ютуқлар, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Ўзбекистон диёрига, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига хуш келибсиз, муҳтарам дўстлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## РЕГИСТОН: ШУКУҲЛИ ОҚШОМЛАР



*"АФРОСИЁБ" меҳмонхонасининг анжуманлар залида (2003 йил 26 август, эрталаб) "Шарқ тароналари" IV халқаро мусиқа фестивалининг матбуот йиғини бўлди. Хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, фестивалда қатнашаётган қирққа яқин мамлакат делегациялари аъзолари иштирок этган матбуот анжуманини "Шарқ тароналари" IV халқаро мусиқа фестивали бош директори, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов очди ва олиб борди.*

*Маҳаллий ва чет эллик журналистларни қизиқтирган саволларга Баҳром Қурбонов, фестивал ҳакамлар ҳайъати раиси, мусиқашунос профессор, Корея мусиқа академияси президенти Ким Шин Ван, ҳайъат аъзоси, мусиқашунос профессор Отаназар Матёқубов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакили Барри Лейн, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг масъул котиби Алишер Икромов, фестивал ижрочи директори Саидамин Аҳроров жавоб бердилар.*

*Матбуот анжуманида Мисрда чиқадиган "Ас-сиясия" ва "Ат-таҳрир" газеталари мухбири Муҳаммад Салома, Туркиянинг "Еничаг" газетаси мухбири Арслон Теқин, Россиянинг "Коммерсант" газетаси мухбири Михаил Зигарь, озарбойжонлик профессор Каримий, шунингдек, Эрон, Исроил, Афғонистон, Латвия, Тайван, Грузия делегацияларининг раҳбарлари ва аъзолари фестивалнинг тантанали очилиш маросимидан олган бой таассуротларини изҳор этишиб, IV халқаро мусиқа фестивалининг кун тартиби, фестивал доирасидаги тадбирлар, унинг қамрови ва аҳамияти, соврин ва мукофотларга доир кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар.*

*Хусусан, Исроил делегацияси раҳбари ўз сўзида халқаро мусиқа анжуманининг тантанали очилиш маросими ўзига хос ва бетакрор тайёрланганлиги, иштирокчилар ўзларини худди йирик олимпиадалардагидек ҳис этишгани, самарқандликлар уларни очиқ чеҳра билан, шарқона меҳмондўстлик билан кутиб олганликларини айтдилар.*

*Эрон, Туркия, Миср республикалари вакиллари фестивалнинг очилиш маросимида ўзбек халқининг бой миллий мумтоз мусиқа санъати билан яқиндан танишишга муяссар бўлганликларини алоҳида эътироф этишди, грузиялик санъаткорлар эса "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг кўлами ва нуфузи йил сайин ошиб бораётганлигини таъкидлаб, бу фестивалнинг ғолиби ва совриндори бўлиш барча қатнашчиларнинг, шу жумладан, грузиялик санъаткорларнинг ҳам орзуси эканлигини айтишди ва шундай бахтга мушарраф бўлсалар, бу мукофотни Афғонистонда кечаётган мураккаб тикланиш жараёнларида фаол қатнашаётган ва ушбу фестивалга келган афғон санъаткорларига инъом этажакларини маълум қилдилар.*

3

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА



АБДУРАЗАКОВ Абдурахман



МУХАМЕДЖАНОВ Закир (Зикир Муҳамаджанов)



НАРЗУЛЛОЕВ Ахмат Имидович



САГАТОВ Серикбай Жузжасарович



ЭРГАШЕВ Аваз



ҚАИПБЕРГЕНОВ Тулепберген

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳрати ва обрў-эътиборини янада юксалтириш, ислоҳотларни амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:**

**АБДУРАЗАКОВ Абдурахман** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори

**МУХАМЕДЖАНОВ Закир (Зикир Муҳамаджанов)**— Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**НАРЗУЛЛОЕВ Ахмат Имидович** — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси

**САГАТОВ Серикбай Жузжасарович** — Навоий вилояти Томди туманидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони

**ЭРГАШЕВ Аваз** — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Х.Низаматов номли ширкат хўжалиги раиси

**ҚАИПБЕРГЕНОВ Тулепберген** — Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 август

## УЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ



Ш.АКРАМОВ олган сурат.

Юртимизда айём нафаси. Айтиш жоизки, бу байрам миллатимиз шаъни, юртимиз озодлиги улуғланиши боис, ўзгача аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Ватанимиз узра эрк нашидасининг завқ-шавқи ҳукмрон. Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони нурларга чулғаниб, куй-қўшиқлар таралади тантанага ҳам саноқли кунлар қолди. 31 август оқшомида бу майдонда юртимиз истиқлолининг 12 йиллиги муносабати билан катта байрам томошалари бўлади.

Айни дамларда байрамни тайёрлаш, ўтказиш республика ташкилий ижодий гуруҳи, ўн мингдан ортиқ иштирокчи сўнгги тайёргарлик ишларини олиб боришяпти. Республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган малакали санъаткорлар, ҳаваскорлардан иборат иштирокчилар орасида боғча ёшидаги фарзандларимиздан тортиб, кекса авлод вакилларгача бор.

Дастурда асосий эътибор мустақиллигимизнинг мучал ёшига — 12 ёшга етганига қаратилади. Республикамизда бир мучал орасида барча соҳаларда эришилган ютуқлар қатнашчиларнинг чиқишларида ўз аксини топади. Дастурнинг аксарият бўлимларига "Обод маҳалла йили" мавзуини сингдиришга ҳаракат қилинган. Республикамизда фаолият кўрсатаётган байналмилал марказларга, жаҳон мумтоз санъатига, ҳарбийларнинг чиқишларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Айниқса, машҳур санъаткорлар, эстрада санъатининг таниқли намояндалари ва истеъдодли ёшларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Мустақиллик майдонидан бошланган тантаналар пойтахтимизнинг барча туман марказларида, боғ ва хиёбонларда, майдонларда давом этади.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАРҲУМ ФАН, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини асраб-авайлашга бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:**

**Восит ВОҲИДОВ** — академик
**Маҳмуд МИРЗАЕВ** — академик
**Асқад МУХТОР** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Иброҳим МЎМИНОВ** — академик
**Раҳим ПИРМУҲАМЕДОВ** — Ўзбекистон халқ артисти
**Толибжон СОДИҚОВ** — Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва дирижёр
**Сойиб ХЎЖАЕВ** — Ўзбекистон халқ артисти
**Рихард ШРЕДЕР** — академик
**ШУҲРАТ (Ғулом Алимов)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Раззоқ ҲАМРОЕВ** — Ўзбекистон халқ артисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 август

**Тулепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ:**

## КЎНГИЛДАГИ НУР

— Ўн еттинчи асрда яшаган буюк бобокалонимиз Шайх Насафийнинг ушбу пурмаъно сўзларини барча замонларга дахлдор деб ўйлайман: "Дунёнинг барча одамлари ўзларича нур излаб яшайдилар. Лекин ўша нурни аввало ўзларидан эмас, бошқалардан излайдилар. Улар бунга қанчалик уринсалар, нурдан шунчалик узоқлашадилар". Собиқ шўролар даврида биз таги пуч ғояларга ишонганмиз. Шу боисдан ҳам Оролимизнинг бир бўлаги қум тўзонларига айланди. Бундан, айниқса, Оролбўйи халқлари азият чекди. Ўзгалардан марҳамат кутиб шундай аҳволга тушдик. Кейин билдикки, баландпарвоз шиорлар жарангига алданган эканмиз.

Истиқлол бу каби алдов-найрангларга чек қўйди. Шайх Насафий таъбири билан айтганда, нурни ҳар ким ўзидан излайдиган бўлди.

Мустақиллик шароитидагина инсон ўзини, ўзлигини топаркан. Шу вақтгача ёзган асарларимни хаёлга келтириб айтадиган бўлсам, Истиқлол асл ҳақиқатни бaралла айтишга имкон берди. Энди буёғига келажагимиз нурли бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Қорақалпоқда меҳмонни "қўноқ" дейишади. Ҳозир менинг уйимни қўноқ босган. Улар мени қутлашаяпти. Айни шу кунларда Юртбошимиз фармонига биноан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланганимни эшитиб, кўзимда ёш халқаланди. Бу юксак унвонни халқимга берилган мукофот ўрнида қабул қиламан. Шукурки, Истиқлол зиёсидан қорақалпоқ халқининг бахт-толеи ранг олди. Дўсту биродарларимнинг шодлик-қувончлари чексиз. Ана шу шодиёналикларга рўбарў келарканман, камтарона меҳнатим беиз кетмабди, деб ўйлайман. Сийлов бир кучимга ўн куч қўшиб юборди.

Маълумки, Ўзбекистон заминининг 37,8 фоизини Қорақалпоғистон ҳудуди ташкил этади. Энди бу юрт камоли одамларнинг руҳиятига, тафаккури уйғоқлигига боғлиқ. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, биз қалам аҳли унинг қайтадан жонланишига масъулмиз.

***Ўтган асрда юз берган катта сиёсий қирғин-қатағон йиллари Ўзбекистонда ҳам кўплаб йирик давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва олимлар репрессия қилинди, отиб ташланди. Шулардан бири Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университетининг ректори, кейинчалик республика соғлиқни сақлаш халқ комиссари бўлиб ишлаган Карим Абдуллаев эди. Ҳикоямиз шу фидойи инсон ҳақида.***

**Шерали ТУРДИЕВ**

# ФОЖИАЛИ ЯКУН ТОПГАН УМР


Архивдан олинган сурат.

**Ўзбекистон давлат университетининг собиқ ректори, республика соғлиқни сақлаш комиссари Карим Абдуллаев ҳаёти ва фожиали қисмати ҳақида.**

Карим Абдуллаев 1905 йили ҳозирги Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига қарашли Қарноқ қишлоғида туғилди. У дастлаб ўз қишлоғида очилган биринчи босқич янги мактабда ўқиди, сўнг акаси Аҳмад ва бошқалар ёрдамида ўқишини давом эттириш учун бир неча дўстлари билан Тошкентга келиб, Маориф институтига (Инпросга) кириб, ўқий бошлайди (1919 — 1922-йиллар). Карим бу ерда жамоат ишларида фаол иштирок этиб, институтда тез кўзга ташланади. 1926 йили институтни муваффақиятли тугатгач, республика халқ маорифи комиссари уни Бухородаги қишлоқ хўжалиги техникумига директорликка йўллайди. Бу ерда Карим Абдуллаев қишлоқ хўжалиги кадрларини ўқитиш ва тарбиялаш ишларига жонбозлик билан киришиб, ўзининг педагогик ва ташкилотчилик фаолиятини авж олдириб юборади. Шу боисдан вилоят раҳбарлари Абдуллаевнинг раҳбарлик қобилияти бутун вилоят маорифига бошчилик қилиш учун ҳам ниҳоятда зарур деб топиб, уни 1927 йили Бухоро вилояти маорифи раҳбари этиб тайинлайдилар.

Карим Абдуллаев янги ташкил топган Бухоро Маориф институтида ҳам ижтимоиёт фанидан дарс бера бошлайди. Самарқанд давлат университетининг профессори марҳум Мусо Мўминов ва университет ўқитувчиси Комилжон Қулжоновнинг ёзишларига қараганда, у бу даврда шу институтда кейинчалик халқимизнинг машҳур олим ва санъаткорлари бўлиб етишган Иброҳим Мўминов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев сингари ёшларни ўқитган.

Республика раҳбарлари Карим Абдуллаевнинг маориф соҳасидаги жонбозликларини кўриб, уни бошқа вилоят ва шаҳарлардаги маориф ишларини ривожлантиришга йўллайди. У 1929 — 30-йиллари Қўқон шаҳар маорифи мудири бўлиб ишлайди, 1931 йили эса Самарқанддаги Ўзбекистон педагогика академиясига директор қилиб тайинланади. Бу ерда республикамизнинг машҳур олимлари, профессорлар — Фитрат, Бўлат Солиев, Ғози Олим Юнусов ва бошқалар билан ҳамкорликда ишлайди. Университетда Яҳё Ғуломов, Иброҳим Мўминов каби бўлғуси академиклар Карим Абдуллаевдан кўп яхшиликлар кўрадилар. У бу ерда 1935 йил охирларигача директор бўлиб, педакадемиянинг кафедралари, профессор-ўқитувчилари, талабалари, ўқув ва илмий ишлар учун қулай шароит яратиш, мамлакатимиз учун юқори малакали миллий кадрлар етказишга сидқидилдан раҳбарлик қилади.

Ундан ўша йиллари таълим олган академик Иброҳим Мўминов Карим Абдуллаевнинг баъзи хислатларини эслаб, кейинчалик шундай дейди: "Карим ака олийжаноб, камтар инсон, ишчан, билимдон, ғамхўр раҳбар эди. У кишининг ЎзГУ (ҳозирги Самарқанд давлат университети)ни ташкил этишдаги хизматлари кўпчиликка маълум. Ўзлари университетга биринчи ректор бўлди. Ҳозирги кўпчилик таниқли олимлар, масалан, Убай Орипов, Султон Умаров, Тожикистонда ишлаган айрим профессорлар Карим аканинг қўлида таҳсил кўрган. Ўша вақтлар ЎзГУда 30та профессор бор эди. Бу катта иш эди. Ҳа, Карим ака илмий ходимлар тайёрлашга кўп эътибор қилар эди.

Карим ака сиёсий савияси баланд киши эди. У ҳар бир ишга келажак кўзи билан қарарди.

Жуда қизиқ одатлари бор эди. Шу... университетдаги деярли ҳамма талабани танирди-да! У вақтда извош бўларди. Кўчада кетаётсангиз, сиз домламисиз, талабамисиз, барибир, извошга таклиф этар, бирга обкетарди..."

Карим Абдуллаев 1935 йил охирларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш комиссари вазифасига тайинланди ва бу ишда 1937 йил август бошларигача ишлади. Республикамизда кўплаб шифохона ва даволаш муассасалари, дам олиш жойлари, тиббиёт ўқув даргоҳлари яратиш ва уларнинг ишини яхшилашга ҳаракат қилди. Афсуски, шунга қарамасдан, 1937 йилнинг иккинчи ярмидан мамлакатда авжига чиққан қама-қама васвасаси унинг ҳаётига ҳам чанг солди. У аввал миллатчиликда айбланиб, ишдан бўшатилди, бироз вақт ўтгач — 1937 йил 27 августда "Инқилобга қарши бўлган "Миллий истиқлол" ташкилотининг аъзоси сифатида ўз атрофига миллатчиларни тўплаган ва уларга ҳомийлик кўрсатган", деган айб билан қамоққа олинади. Ўша куни НКВД ходимлари томонидан у яшаб турган Тошкент шаҳар Гогол кўчасидаги 2-уй тинтув қилиниб, Карим Абдуллаевга тегишли бўлган барча ашёвий буюмлар олиб кетилади. Рафиқаси Олия опа эса икки ёш гўдаги — ўғил ва қизи билан қўрқув-таҳлика ичида яшай бошлайди.

Карим Абдуллаевнинг тергови кечиктирилмасдан, қамалишининг эртаси куниёқ — 1937 йил 28 августда бошлаб юборилади. Уни ўша вақтда қаттиққўллиги ва тошбағирлиги билан қамоқдагилар ўртасида отнинг қашқасидай танилган баттол терговчи — Ўзбекистон ички ишлар комиссарлиги 3-бўлимининг бошлиғи сержант Ақжигитов тергов қилади. Ундан терговчи "Миллий истиқлол"нинг аъзоси сифатида инқилобга қарши иш олиб борганлиги, бу борада турли маслакдошлари билан алоқалари ҳақида кўрсатма беришни талаб қилади. Карим Абдуллаев қўйилган айбларга дадил туриб, рад жавобини беради:

"**Савол**: Терговда аниқланишича, сиз революцияга қарши бўлган миллатчилик ташкилоти — "Миллий истиқлол"нинг аъзоси бўлган экансиз. Шу хусусда кўрсатма беринг.

**Жавоб**: Революцияга қарши бўлган ҳеч қандай ташкилотда ҳеч қачон қатнашмаганман".

Шундан кейин Ақжигитов терговни тўхтатиб, у ҳақда Карим Абдуллаев ишлаган ишхоналардаги турли кишилардан қийноқ ёки алдов йўли билан унга қарши ҳужжатлар тўплай бошлайди. Бир йилдан кўпроқ вақт авахта ва тергов қийноқлари азобларини чеккан Карим Абдуллаев сўнгги марта 1938 йил 21 сентябрда терговга чақирилади. Бу сафар унга яна ҳам каттароқ сиёсий гуноҳларни ёпиштиришга, яъни Бурнашев деган киши билан биргаликда революцияга қарши бузғунчилик ишлари қилганликда ва бу борада ҳатто уни "Миллий истиқлол" ташкилотининг манфаати учун чет эл билан ҳам алоқада бўлганликда айблашади, шу ҳақда кўрсатма беришни талаб қилишади.

Карим Абдуллаев сўнгги тергов куни ҳам буларнинг ҳаммасини инкор қилади:

"**Савол**: Терговга шу нарса маълумки, сиз ва Бурнашев бир бўлиб, буржуа миллатчилари сифатида инқилобга қарши миллатчилик ва бузғунчилик ишлари олиб боргансизлар, ўзаро учрашганда бу ҳақда гаплашгансизлар, сўнгги вақтларда Ўзбекистонда инқилобга қарши бўлган миллатчилик ташкилотининг режаси ҳақида Бурнашевга хабар бериб, "Миллий истиқлол" ташкилотининг манфаати учун унинг чет элдаги кишилари билан алоқа ўрнатишни таклиф қилгансиз. Нега буларни яшираяпсиз?

**Жавоб**: Мен буларни тан олмайман, мен билан Бурнашев ўртасида бундай гап бўлган эмас.

**Савол**: Бурнашев сизга ўзининг инқилобга қарши ишлари ҳақида гапириб бердими?

**Жавоб**: Йўқ. Бурнашев ҳеч қачон менга бундай гапларни гапирган эмас".

Бироқ орадан 13 кун ўтгач, 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси кўчма сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган ёпиқ суд мажлисида Карим Абдуллаев юқоридаги туҳматлар билан айбланиб, олий жазо (отув)га ҳукм қилинади. Шундан сўнг унинг тақдири нима бўлганлиги оила аъзоларидан сир тутилади ва орадан қарийб йигирма йил ўтгач, 1957 йил 1 августдагина унинг иши СССР Олий судида қайта кўрилиб, бегуноҳлиги учун расман оқланганидан кейингина маълум бўла бошлайди...

Карим Абдуллаевнинг ўғли, меҳнат фахрийси, техника фанлари номзоди Телман Абдуллаев шундай ҳикоя қилади: "Очиғини айтсам, отамни ғира-шира эслайман, холос. Чунки тўрт яшарлигимдаёқ мени отамдан жудо қилган эдилар. Шунга қарамай, отамнинг қувноқлиги ва бизларга, айниқса, катта опам Маҳбубага бўлган меҳрибонликлари бугунгидай кўз олдимда... Холаларим ва амакиларим отамни ниҳоятда ҳурмат билан эслашади, шунинг учун бўлса керак, уларнинг меҳр-муҳаббати ва эркалашлари туфайли мен отасиз ўтган йилларимда ҳам етимликни билмай, ўксимай ўсдим.

Бошқа кишилардан отам ҳақида биринчи бор мен Самарқандда, билим юртида ўқиб юрган йиллари (1947 йили) Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат қилиб сайланган Иброҳим Мўминов билан бўлган учрашувда эшитдим. У киши менга кўзига ёш олиб, "Отангга ўхшаб ўс, "аъло" баҳолар билан ўқигин, атрофингдаги ёру биродарларингга меҳрибон бўлгин, сен шунда, албатта, ажойиб инсон бўлиб етишасан", — деган эдилар. Мен қўлимдан келганча уларнинг маслаҳатларига амал қилиб, билим юрти ва олий мактабларда "аъло" баҳолар билан ўқидим, қийинчиликларга чидаб, техника фанлари соҳасида тадқиқотлар олиб бордим, республикамиз давлат муассасаларида раҳбарлик ўринларида ишлаган йилларим (1960 — 1970-йиллар) отамга ўхшаб одамларга яхшилик қилишга ҳаракат қилдим...

Мен 1950 йили Москвадаги Бауман номидаги Олий техника мактабига кириш имтиҳони конкурсидан муваффақиятли ўтдим, лекин шунга қарамасдан, таржимаи ҳолимга қараб адолатсизлик билан ўқишга қабул қилишмади. Губкин номидаги Москва нефт кимёси институтига ҳам қабул қилишмади. Охири Тошкент темирйўл транспорти институти ректорининг ўринбосари Петруновичнинг ёрдами туфайли талабаликка қабул қилиниб, уни 1955 йили муваффақиятли тамомладим. Институтни битиргач ҳам мени Ўзбекистонда қолдиришмай, Туркманистоннинг Ашхобод темирйўлига жўнатишди. Менинг опам ҳам Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) физика-математика факултетини "аъло" баҳолар билан битирганлигига қарамай, уни Москва физика-техника институти аспирантурасига қабул қилишмади. Онам эса отамни кута-кута оламдан армон билан ўтиб кетди.

Кейинчалик Тошкент шаҳар ижроия комитети ўринбосари бўлиб ишлаган йилларим ҳаёт мени яна ўтмишдаги қисматдошлар билан учрашишга мажбур қилди. 1968 йили менга Шароф Рашидович бехосдан телефон қилиб: "Менинг қабулимда ҳозир Файзулла Хўжаевнинг қизи Вилоят Файзуллаева ўтирипти, унинг қисмати ҳам сизникига ўхшаш оғир бўлган, мен у кишини эшитиб, албатта, ёрдам кўрсатасиз, деб ўйлайман", — деб телефонни қўйиб қўйдилар.

Шундай қилиб, мен Файзулла Хўжаев қизлари билан учрашдим ва у кишига шаҳар марказидан уй ажратилди. Ўша йили қабулда Акмал Икромовнинг ўғли Ургут Икромовни учратиб, у кишига ҳам ёрдам кўрсатилди. Ўтмишдаги репрессия қурбонларининг оилалари юзлаб ҳисобланиб, шаҳар ижроия комитети қарори билан уларнинг жабрдийда оила аъзоларига уй-жой ажратишга қўлимдан келганча ёрдамлашдим, шукрлар бўлсинки, мана республикамиз мустақилликка эришди. Энди ўтмишда шу вақтгача биздан яшириб келинаётган сирлар очилаяпти, бегуноҳ қатағон қурбонлари, уларга ўтказилган адолатсизликлар рўй-рост айтилаяпти, уларнинг ўтмишдаги хайрли ишлари эсланиб, фарзандлари юракларидаги доғлар ювилиб бормоқда..."

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Карим Абдуллаевнинг пок номи бугун Ўзбекистон мустақиллигидан кейин тамомила оқланиб, ҳурмати ўз ўрнига қўйилмоқда, унинг 20 — 30-йиллари республикамиз маорифи ва маданияти, соғлиқни сақлаш бўйича олиб борган ташкилий ва раҳбарлик ишлари, бу борада етиштирган кадрлари ҳақида ҳужжатлар ва хотиралар ўрганилмоқда.

У ишлаган Самарқанд давлат университети ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам халқимиз асл фарзандининг номини абадийлаштириш ишидан четда қолмаслиги, шубҳасиз.



**КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ**

# МАЪРИФАТ МАШЪАЛИНИ ЁҚҚАН ЗОТ

"Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий мунтазам бир таҳсил кўрмагани ҳолда элга хизмат машқининг ўтиға чидайолмасдан, ўзининг сабот ва ғайратиға таяниб, бутун хизматни ўз бўйниға йуклади. Маҳмудхўжа юртнинг эҳтиёжига қараб муҳаррир-да бўлди, муаллим-да бўлди, газетачилик қилди, мактаб китоблари ёзди, тиётрчилик қилди, сиёсий ишларға ишлади, халқға сиёсий фикр берди, халқнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини ислоҳ қилмоқ учун иқтисодий ва ижтимоий олим бўлиб, халқға фикр тарқатди. Фиқҳ, ислом, ҳадис ва тафсир билан шуғулланиб сўйлайтурғон ва ёзадурғон нарсаларни шаръий далиллар билан исбот қилди".

Чинини айтганда, менман деган ҳар қандай онгли, фаол одамнинг елкаси кўтара олиши даргумон бўлган юкни улуғ бобомиз Беҳбудий шараф билан уддалагани ҳайратланарли ҳақиқат. Юқоридаги эътироф унинг сафдошларидан бири, ҳақиқатгўй адиб Садриддин Айнийнинг қаламига мансублиги муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг ким бўлганларини рўйрост англатиб турибди.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг фидойи фарзандлари ҳақида бор ҳақиқатни билиб олиш имконига эга бўлдик. Бу борада синчков ва зукко олимларимизнинг изланишлари алоҳида аҳамият касб этаётир. "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан чоп этилган филология фанлари номзоди Ҳалим Саидовнинг "Маърифат либосидаги озодлик" номли рисоласи ўз вақтида амалга оширилган ана шундай зарур тадқиқот бўлди.

Рисоланинг муқаддимасида биз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қўлига қалам тутқазган сабаблар — уни ижтимоий-сиёсий фаолиятига тортган омиллардан хабардор бўламиз. Зотан, XIX асрнинг иккинчи ярмида жаҳонда рўй берган воқеалар — дунёни бўлиб олиш сиёсати оқибатида юзага келган вазият, шундай бир шароитда Туркистондаги аҳвол аниқ тарихий фактлар ва шахслар фаолияти мисолида таҳлил этилади. Бундан кузатилган асосий мақсад, яъни бу даврда Беҳбудийнинг нега айнан публицистика билан шуғуллангани, юрт озодлиги йўлидаги курашда маърифатни қурол қилиб олгани сабаблари кўплаб далиллар ёрдамида асослаб берилади. "Унинг ўша қаттол замондаги қуроли ҳеч эскирмайдиган қурол эди. Бу қуролнинг номи маърифатдир", деб ёзади муаллиф.




"Маърифат либосидаги озодлик" рисоласи, асосан, тўрт фаслдан таркиб топган бўлиб, уларда буюк миллатпарвар бобомизнинг юрт равнақи йўлидаги ёниқ фаолияти босқичма-босқич, батафсил очиб берилади. Хусусан, муаллиф Беҳбудийнинг "Таърих ва жуғрофия" мақоласини таҳлил қиларкан, унда жадидчилик ҳаракатининг мақсадлари қанчалик ошкора баён этилганига эътиборни қаратади. "Дин ва миллатни сахлаш" учун бу буюк инсоннинг мислсиз жасорат ва ғоят теран ақл билан ёзган мақолалари рисолада ҳам мазмуни, ҳам бадиий жиҳатларига кўра таҳлил этилади. Беҳбудийшуносларнинг ишлари, улардаги ютуқ ва камчиликлар ҳам муаллиф назаридан четда қолмаган.

Рисоланинг иккинчи фаслида Ҳалим Саидов дастлаб маърифат либосида кўринган Беҳбудий ижодида 1917 йилдан кейин миллий озодлик ҳаракати қай даражада намоён бўлганини синчковлик билан кўрсатиб беради. Халқнинг кўзини очиш учун нафақат ўткир қаламли публицист, балки чинакам миллатпарварга, кенг кўламда ижтимоий фаолият олиб бора оладиган фаол арбобга хос фазилатлар бир инсонда уйғунлашиши лозим экан. Бундай фидойи ватанпарварларни миллатнинг йўлини ёритувчи маёққа қиёслаш ғоят ўринлидир. "Озодлик либосидаги маърифат" рисоласида ҳар томонлама ёритиб берилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳар бир ўзбек китобхони қалбида алоҳида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради, айни пайтда аждодларга муносиб бўлишдек улкан масъулият ҳиссини ҳам кўнгилга солади. Бу масъулият ҳисси ҳар биримизда миллат учун, юрт учун мен нима қилдим, нима қилишим керак, деган фикрни уйғотиши, тарбиялаши, шунга туртки бериши тайинки, "Маърифат либосидаги озодлик" рисоласининг мазмун-мундарижаси айни шу нуқтаи назардан долзарб ва тарбиявий аҳамияти муҳимдир.

Қолаверса, рисола ўзбек матбуоти тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ҳарорат билан, кўплаб тарихий далиллар воситасида ёритиб бергани билан ҳам маърифий қимматга эга. "Илова"да тақдим этилган Садриддин Айний, Ҳожи Муин, Жавдат Раҳмон, Парвин Беҳбудий хотиралари, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия" мақолалари рисола муаллифи илмий кузатишларига бир жиҳатдан далил бўлса, бошқа томондан буюк миллатпарвар бобомиз сийратини тўлароқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

"Тарих истиқболнинг тарозусидир, ҳар ким ўлчасун-да, билсун!" Улуғ маърифатпарвар ва истиқлол фидойиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу оташин даъвати даврлар, замонлар оша долзарблигини йўқотмайди. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо этганлар ёдини авлодлар қалбига сингдиришдек савоб ишлар эса ҳар биримизнинг эл-юрт хизматида нечоғли фидойи эканимизни ўлчаб кўриб, билиб олмоғимизга ундаб туриши билан қимматлидир.

**Аҳмад ОТАБОЕВ**

**МАНГУ ЛАҲЗА**

# УНИ ДАВРОН ДЕР ЭДИЛАР...

Бундан 129 йил муқаддам, 1874 йили, Қўқоннинг Ғозиёғлиқ маҳалласида яшовчи Мулла Муҳаммад Иброҳим Мирзо оиласида тўртинчи фарзанд дунёга келади. Унга Мираъзам деб исм берадилар. Орадан кўп ўтмай, Иброҳим Мирзо оиласи билан 1-Бешариқ маҳалласига кўчиб ўтади. Мираъзам олти-етти ёшида отаси ёрдамида савод чиқариб, шу маҳалладаги мактабга қатнай бошлайди. Саккиз ёшга тўлганида араб ёзувидаги китобларни шариллатиб ўқийдиган бўлади. Ўн ёшга тўлганида эса рус-туземе мактабига ўқишга киради. Аммо ота рус мактабига берухсат киргани учун севимли ўғлини уйдан қувиб чиқаради...

Қўқонлик машҳур маърифатпарвар Иброҳим Давроннинг ҳаёт йўли ана шундай бошланган.

Замондошларнинг таърифлашларига кўра, "оқ юзли, новча бўйли, қотмароқ, кичик қора соқолли, нозик табиатли, озода табъли" Иброҳим Давроннинг ўзига ўхшаш илғор қарашли дўстлари кўп бўлган. Ўзбек халқининг маърифатли, ўзбек диёрининг эса ҳар томонлама ривожланган мамлакат бўлишини истаган Иброҳим Даврон, ана шу дўстлари қатори, 1903 йилдан бошлаб "Туркистон вилоятининг газети"да Даврон тахаллуси билан танқидий мақолалар эълон қила бошлаган. Шеър машқ қилиш билан бирга, XX асрнинг техник мўъжизалари билан ошно бўлишга астойдил интилган.

Муқимий ўтган асрнинг бошларида жиянига ёзган хатида, жумладан, қуйидаги орзу-армонини баён қилган экан: "Шаҳарда бир бола сувратчилик этиб юрибдур. Ҳазрат (Сайид Умархон назарда тутилади — **Н.К.**) жиянлари қизчалари билан сурат олдирдилар. Мени ҳам сувратга тушишга таклиф этдилар. Мен бетобликдан янги турган эдим. Рангим заҳил эди. Кўруб, хафа бўларсиз, деб тушмадим".

Муқимий сувратчи деб айтган бола бизнинг Иброҳим Даврон эди. У 1904 йили Қўқонда биринчи фотографияни очиб, юзлаб ҳамшаҳарларининг чеҳраларини оила тарихи учун муҳрлаган. Замондошларнинг гувоҳлик беришларича, унинг фотографияси 1-Шарқ кўчасидаги ҳовлида бўлган. У айни пайтда турли идораларга пешлавҳа (вывеска), мушкул бир аҳволда яшаётган ҳамшаҳарларига эса рус тилида шикоят ва аризалар ёзиб бериб, улар ҳожатини чиқарган.



1914 йил... Биринчи жаҳон уруши... Туркистон халқларининг аҳволи оғирлашган йиллар... Турмуш машаққатлари, рўзғор ташвишлари Иброҳим Даврон хонадонини ҳам четлаб ўтмади. У совун ва яна аллақандай нарсаларни сотадиган дўкон очади. Дўкон камқатнов ерда жойлашгани учун савдо юришмайди. Аммо бир-бирлари билан кўришиш, суҳбатлашиш ва долғали замонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб туриш учун келган дўст-ёрлар туфайли дўкон доимо гавжум бўлади.

Иброҳим Даврон, кўп ўтмай, Фарғона вилояти генерал-губернаторлигидан "Мадоро" номида китоб дўконини очиш учун ижозат олади. Дўкондан маҳаллий газеталар, рисолалар, шу жумладан, Иброҳим Даврон қаламига мансуб "Ашъори нисвон" сингари мажмуаларни сотиб олиш мумкин эди.

Машҳур маърифатпарварни яхши билган замондошларидан бири — Пўлатжон Қаюмов ўз хотираларида мазкур дўкон билан боғлиқ бундай маълумотни берган: "Мираъзам ака Иброҳим ўғли Даврон тўғрисида бошқадан кўра мен яхши биламан. Характери билан яхши ошнаман... Ҳамзахоннинг "Сариғ гул", "Сафсар гул" каби Шмаков литографиясида босилиб чиққан брошюраларини сотиб ўтирадиган кичик бир дўкони 1914 йилдан 1917 йилгача давом этди. Бундан чиққан фойда ила оиласини қандай этиб боққанига ҳамма ҳайрон эди... Ёру дўстлари жуда кўп бўлиб, жуда юмшоқ кўнгилли киши бўлганидан ҳар турли одамлар дўконида эртадан кечгача узилмас эди".


Бир шоирага [illegible].
Иброҳим Давроннинг "Ашъори нисвон" китобига ишлаган суратларидан.

1917 йилдан кейин Иброҳим Даврон Қўқонда бир неча мактабларни очди, ҳатто ўзи ташкил этган 8-мактабда қўқонлик лўли болаларнинг билим олишлари учун имконият яратди. Яқин-яқингача Ҳамза номидаги Қўқон театри фаолият олиб борган бинода эса у ташкил этган кутубхона минглаб кишиларнинг маърифий-маданий эҳтиёжларига хизмат қилди.

Иброҳим Даврон йирик маърифатпарвар шоир сифатида "Ашъори нисвон", "Ишқ садолари", "Олтин сўзлар", "Бўстони маърифат", "Туркча фиғонлар", "Мактаб манзумалари" шеърий мажмуалари, "Оғир ҳоллар" драмаси, "Ҳаёт керакликлари", "Таълимий жуғрофия" ва "Маданий жумбоқлар" сингари рисолалар муаллифидир. Унинг ушбу саноқдаги сўнгги асари болалар учун ёзилган топишмоқлардан ташкил топган бўлиб, шоир бу топишмоқлари билан ёш авлодда илм-фанга, техникага катта қизиқиш уйғотмоқчи бўлган. Қўқонликлар яқин вақтгача темир йўли узра учиб бораётган поездни кўрганларида устоз шоирнинг: "Узун шоти, устида оти" деган ажойиб жумбоғини эслар эканлар.

Араб, форс, рус ва украин тилларини пухта билган шоир, муаллим, фотограф ва рассом Иброҳим Даврон 1922 йил ёзида иситма касаллигидан вафот этгунига қадар бутун ҳаётини замондошларини маърифатли қилишдек улуғ ва шарафли ишга бағишлади.

**Наим КАРИМОВ**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Қўчқор НОРҚОБИЛ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 761. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН